## Бугун — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2013 йил 1 октябрь • сешанба № 37 (877)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz | www.insonvaqonun.uz | www.insonvaqonun.adliya.uz



**Обуна бўлинг!**

**"Инсон ва қонун"**



Сиз билан, Сизнинг ҳимоячингиз, Сизнинг маслакдошингиз

Нашр кўрсаткичи — 137


# ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам устоз ва мураббийлар!

Қадрли дўстлар!

Ҳар қайси одамнинг ҳаётда соғлом ва комил инсон бўлиб вояга етишида ота-онаси билан бирга муаллим ва ўқитувчининг ўрни ва аҳамияти ҳақида кўп ёзилган, кўп айтилган.

Ҳақиқатан ҳам, инсонни инсон қилиб камол топтиришда, унга билим ва одамийлик, меҳр-оқибат, эзгу орзу-ниятлар билан яшаш туйғуларини сингдиришда, бир сўз билан айтганда, жамиятимизнинг муносиб фуқароси бўлиб ҳаётга кириши ва мустаҳкам ўрин олишида ўқитувчи ва мураббийлар, домлаларнинг, барча таълим соҳаси фидойиларининг ҳиссаси беқиёс эканини халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Ана шундай олижаноб вазифани ўз зиммасига олган, ёш авлодимизга илму фан ва ҳаёт сирларини ўргатишдек масъулиятли ишни адо этиб келаётган инсонларнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган меҳнатини инобатга олиб, бундан 17 йил олдин мамлакатимизда Ўқитувчи ва мураббийлар кунини таъсис этганимиз, авваламбор, жамоатчилигимиз, бутун халқимизнинг хоҳиши ва интилишини ўзида мужассам этган, десам, ўйлайманки, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Азиз юртдошлар!

Биз бугун дунёдаги тараққий топган демократик мамлакатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаётини обод ва фаровон қилиш, халқаро майдонда Ватанимизнинг ўзига муносиб ўрин эгаллаши, лўнда қилиб айтганда, "Ўзбекистон — келажаги буюк давлат", деган мақсадга эришиш каби ўта оғир, шу билан бирга, ўта шарафли вазифани амалга ошириш йўлида бор кучимиз, бутун борлиғимизни сафарбар этиб меҳнат қилаётганимиз барчамизга аёндир.

Мана шундай эзгу ва юксак марраларга етишда миллий давлатчилигимизни қуриш, иқтисодиётимизни биз учун янги асносда — бозор муносабатлари негизида ташкил этиш, бутун ҳаётимизнинг маъно-мазмунини ўзгартираётган кенг кўламли ислоҳотларни жорий қилиш, мухтасар айтганда, мамлакатимизнинг қиёфасини тубдан янгилаш мақсадида амалга оширган улкан ишларимизни бугун дунё ҳамжамияти тан олаётганини ғурур ва ифтихор билан таъкидлашга тўлиқ асосларимиз бор.

Биз қўлга киритган, барчанинг ҳавасини тортадиган ютуқ ва натижаларимиз ҳақида сўз юритар эканмиз, уларга замин бўлган омил ва мезонлар хусусида, халқимизнинг фидокорона меҳнати, онгу тафаккури, сиёсий-ижтимоий фаоллиги юксалиб бораётгани ҳақида, албатта, кўп гапириш мумкин.

Лекин, шулар қаторида, авваламбор, биз ўз вақтида бошлаган ва амалга оширган таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотлар, узоқни кўзлаган, чуқур ўйланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ҳал қилувчи ўрин тутганини алоҳида қайд этиш зарур.

Ҳеч шубҳасиз, бу борада янгича фикрлайдиган, ўзлигини, қадр-қимматини чуқур англайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни, чет тилларни пухта эгаллаган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ёшларимиз ҳақиқатан ҳам бизнинг суянчимиз ва таянчимиз бўлиб, биз бошлаган ишларни давом эттиришга қодир эканини бугунги ҳаётимизда исботлаб бераётганининг ўзи барча эришган ютуқ ва марраларимизнинг асосий мезони ва шарти бўлди, десак, асло хато бўлмайди.

Шу муносабат билан бир фикрни таъкидлаб айтишни ўринли, деб биламан: биз билим ва тарбия бериб вояга етказаётган навқирон ўғил-қизларимиздек, қийинчилик ва синовлар олдида бош эгмайдиган, ўз Ватани, ўз халқига хизмат қилишга бел боғлаган, янгиликка интилиб яшайдиган, ғайрат-шижоатга тўла, кўзлари ёниб турган ёш авлодимиздек авлод дунёда ўзи камдан-кам топилади.

Ана шундай соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги фидойи меҳнатингиз учун сиз, азизларга — ўқитувчи ва мураббийлар, устоз ва домлалар, олим ва олималарга ҳар қанча тасаннолар айтсак, таъзим этсак, арзийди, албатта.

Ҳурматли дўстлар!

Биз бугун қандай шиддат билан ўзгараётган, ўзаро рақобат ва манфаатлар кураши тобора кучайиб бораётган мураккаб бир даврда яшаётганимиз ҳаммага маълум.

Бундай кескин рақобат, айниқса, илм-фан, таълим-тарбия, илмий-техник тараққиёт соҳасида яққол намоён бўлаётганини кўриш, англаш қийин эмас.

Ҳозирги вақтда дунёдаги етакчи олимлар ва экспертлар орасида кенг тарқалаётган фикрни инобатга оладиган бўлсак, давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳақида гапирганда, улар, биринчи навбатда инсон капиталини, таълим ва илм-фан соҳасини ҳозирги замон тараққиётининг ҳал қилувчи кучи сифатида кўраётган, уларнинг ривожи учун катта маблағ ажратаётган ва кенг имконият очиб бераётган давлатгина бу инқироздан янада кучли бўлиб чиқишини башорат қилаётгани бежиз эмас, албатта.

Бугун ўтган давр мобайнида амалга оширган ишларимизни холисона баҳолар эканмиз, таълим-тарбия соҳасида ҳали қиладиган кўпгина вазифаларимиз борлигини, ўз ечимини кутаётган долзарб муаммоларни ҳал қилиш, энг муҳими, бу борада бошлаган ислоҳотларни мантиқий якунига етказиш, уларнинг ярим йўлда қолиб кетишига, ўзибўларчиликка йўл қўймаслик зарурлигини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Авваламбор, барча таълим муассасалари, хусусан, умумтаълим мактаблари ва лицей-коллежларни давр талабларига мос ҳолда ривожлантириш, замонавий жиҳоз ва ускуналар, ўқув лабораториялари ва устахоналар билан таъминлашни давом эттириш, янги таълим стандартлари, дастур ва қўлланмаларни жорий этиш масаласини энг муҳим вазифамиз сифатида кўришимиз даркор.

Мамлакатимизда шаклланган узлуксиз таълим тизимининг юқори босқичи бўлмиш олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, юксак малакали мутахассис ва кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида уларнинг фаолиятини такомиллаштириш эҳтиёжини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу борада кўзланган режаларни амалга ошириш ва уларни молиялаштириш учун Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш фонди ташкил этилгани, ҳар йили давлат бюджетидан айни шу йўналишларга катта ҳажмдаги маблағлар ажратилаётгани алоҳида эътиборга лойиқ.

Юртимиздаги эски, яъни, икки босқичли аттестация тизимидан воз кечиб, иқтисодий ривожланган давлатларда қабул қилинган стандартларга мос равишда, тўғридан-тўғри фан доктори унвонини олиш бўйича диссертация ёқлаш тизимига ўтганимиз ва бу йўналишда туб ўзгаришлар амалга оширилаётгани олий таълим соҳасидаги кенг кўламли ислоҳотлар йўлида янги бир амалий қадам бўлди.

Энг асосийси, бундай ишларимиз, аввало, институт ва университетларимиздаги ўқув жараёнларини, уларнинг юксак талабларга жавоб берадиган малакали кадрлар тайёрлаш салоҳиятини дунёдаги илғор олий ўқув юртлари даражасига кўтариш, ушбу билим даргоҳларида фидокорона меҳнат қилаётган домлаларни нафақат моддий ва молиявий нуқтаи назардан рағбатлантириш, балки уларнинг нуфузи ва ҳурмат-эътиборини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бугунги кунда юртимизда барпо этилган, ўзаро узвий боғланиб, бир-бирини тўлдирадиган, уч босқичдан иборат узлуксиз таълим тизимини — бу умумтаълим ёки ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бўладими, олий таълим соҳаси бўладими — буларнинг барчасини ягона бир ғоя, умумий бир мақсад бирлаштириб турганини ҳаммамиз яхши англаймиз.

У ҳам бўлса, жондан азиз фарзандларимизни жаҳон илм-фани чўққиларини забт этган, чуқур билим ва ўз мустақил фикрига эга бўлган етук инсон ва мутахассислар этиб тарбиялаш, барча куч ва имкониятларимизни шу йўлда сафарбар этишдир, десак, олдимизда турган буюк вазифанинг маъно-мазмунини ифода этган бўламиз.

Биз сиз, азизлар — мактаб, лицей ва коллежларда, олий ўқув юртларида, умуман, таълим соҳасида меҳнат қилаётган юз минглаб ўқитувчи ва мураббийлар, домлалар тимсолида эл-юртимизнинг келажаги, ҳаёт-мамотини ҳал қилувчи таълим ва тарбия соҳасига бамисоли жон бағишлаётган қудратли кучни кўрамиз ва юксак баҳолаймиз.

Сизларнинг Ватанимиз равнақи ва тараққиёти йўлида қўшаётган юксак ҳиссангиз учун, ёш авлодни вояга етказиш, ҳаётга йўлланма бериш йўлидаги беқиёс хизматингиз, беғараз меҳнатингиз учун барча ота-оналар, миллионлаб ўқувчи ва талабалар, бутун халқимиз номидан яна ва яна бир бор чуқур миннатдорчилик билдириб, сизларга сиҳат-саломатлик, оилаларингизга бахту саодат ва файзу барака, ишларингизга янги омадлар тилашга рухсат бергайсиз.

Доимо омон бўлинг, азиз ва меҳрибон устозлар!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

"Президентга мактублар" китобини ўқиб...

# Дилдаги сўзлар оқ қоғозга кўчгач

## ўйлашга ва мушоҳада қилишга ундайди



**ҲАР ҚАНДАЙ оққўнгил, диёнатли, ҳалол, пок ва виждонли одам мактуб орқали Президент билан мулоқот қилишдан ҳамда дардлашишдан маънавий озиқ ва руҳий мадад олади. Кўнгилдаги гапни айта олиш унга ором бағишлайди. У Ўзбекистон фуқароси ёки ўзга давлат фуқароси бўладими — бунинг аҳамияти йўқ. Мактублар давлат раҳбари билан оддий фуқаролар ўртасидаги мулоқотнинг қулай ва самарали усули бўлиб, улардаги ҳис-ҳаяжонлар, истак-хоҳишлар, таъсирчан туйғулар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Шунинг учун Президентга йўлланган мактубларни китоб ҳолида нашр қилиш анъанага айланиб қолди.**

БИЛАСИЗЛАР, биринчи китоб 2006 йилда, иккинчи китоб эса 2009 йилда нашр қилинган эди. Яқинда, яъни 2013 йил ёзида "Маънавият" нашриётида "Президентга мактублар"нинг учинчи китоби нашрдан чиқди. Шу йил август ойида унинг тақдимоти бўлиб ўтди. Бу мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллигига муносиб туҳфа бўлди.

Бу тўпламга турли йилларда мамлакатимиз ва чет эл фуқаролари томонидан Президент Ислом Каримов номига йўлланган мактублар орасидан танлаб олинган айрим намуналар киритилган. Бу мўъжаз тўплам Ўзбекистон раҳбарининг масъулиятли ва серқирра фаолияти, юртимизда янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида фуқароларимиз, халқаро жамоатчилик вакиллари билан олиб борилаётган доимий ва самимий мулоқотлар ҳақида тасаввур уйғотишга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Президентимиз номига ҳар куни юртимизнинг узоқ ва яқин шаҳар-қишлоқларидан, чет эллардан юзлаб хатлар келади. Албатта, улар маъно-мазмунига кўра бир-биридан фарқ қилади. Хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, чет эл фуқаролари томонидан йўлланган хатларда мамлакатимиз билан ҳамкорликнинг турли қирралари ҳақида гап борса, юртдошларимизнинг мактубларида бугунги ҳаётимизга бевосита боғлиқ масалалар қаламга олинади.

Бугунги Ўзбекистон қариялар қадр топган юрт. Бизда қарияларнинг дуосини олиш анъанага айланган. Бу эзгуликка йўл очади, юртга барака ёғдиради. Ҳар бир қария дуога қўл очганда Яратгандан тинчлик ва тўкинчилик, юрт эртасини ва фарзандлар камолини сўрайди. Шунинг учун бизда қарияларга ғамхўрлик кўрсатиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бундай ғамхўрлик учун Президентга миннатдорчилик мактуби йўллаётган қариялар оз эмас. Жумладан, **Жиззах вилоятидан уруш ва меҳнат фахрийси Исмат Тошматов** Президентга йўллаган мактубида ўзининг дил сўзларини шундай ифодалайди: "Хотира ва Қадрлаш куни арафасида Сизнинг номингиздан юборилган байрам совғасини қабул қилар эканман, қалбим тўлқинланиб, кўзларим қувонч ва ифтихор ёшлари билан тўлди. Мендек бир уруш ногирони, мўйсафид бир инсонга кўрсатган бундай катта эътиборингиз учун ўзимнинг чексиз миннатдорлигимни билдираман. Сизнинг олиб бораётган халқпарвар, доно сиёсатингиз, заҳматли меҳнатингиз туфайли шундай дориломон кунларга етганимиз учун Оллоҳга шукроналар бўлсин. Биз каби оталарни эъзозлаб, Ватан учун, эл учун жон куйдириб, тиним билмай меҳнат қилиб келаётганингиз халқимизнинг ардоқли, фидойи фарзанди эканлигингиздандир".

Бизнинг халқимиз ҳеч қачон фарзандлар ташвишисиз яшамаган. Ота-она бутун меҳрини фарзандларига бахшида этса, жажжи неварасини бир кун эркалатмаган бобо-момонинг кўнгли хижил бўлади. Халқнинг дарди билан яшайдиган Юртбошимиз буни билган ҳолда мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ оналар ва болалар соғлигига ҳам алоҳида эътибор ва ғамхўрликни кучайтирди. Бу ғамхўрликнинг йўллари ва йўналишлари кўп. Уларнинг ҳар бирида аниқ мақсадлар кўзланган. Халқимиз буни кўриб ва ҳис этиб турибди.

— "Ассалому алайкум, ҳурматли Ислом Абдуғаниевич! — деб ёзади ўз мактубида **Хоразм вилоятининг Шовот туманидан Гавҳар Дўстжонова.** — Менинг ушбу мактубимни хоразмлик ва қорақалпоғистонлик аёлларнинг миннатдорчилиги рамзи, деб билгайсиз. Сизнинг ғамхўрлигингиз туфайли бизлар ва болаларимиз ёз бўйи республикамизнинг "Ботаника", "Турон", "Бўстон", "Семурғ" каби энг яхши сиҳатгоҳларида бепул даволаниб, ҳордиқ чиқардик. Дам олиш пайтида кўп эшитдим, аёлларимиз бундай ғамхўрликдан беҳад хурсанд бўлишди. Юртимизда оналар ва болаларга катта эътибор берилаётганлигини яна бир бор юракдан ҳис этдик. Ушбу мактубимни мен билан бирга дам олиб, даволанган 500 нафар аёл номидан ёзаяпман. Сиҳатгоҳда ҳар куни Сизни дуо қилдик, Оллоҳдан юртимизнинг тинчлигини сўрадик".

Албатта, савоб ишлар учун дуо қилишда ҳикмат бор. Юрт тинчлиги, турмуш фаровонлиги, фарзандлар камолоти, эртанги кунимиз учун қилинаётган дуолар шарофатидан бўлса керак, Ўзбекистонимиз бугун жаҳон тан олиб, дунё халқлари ҳавас қилиб, тенглар ичида тенгмиз, дея фахрлансак арзийдиган давлат сифатида тилга олинмоқда. Савоб ишларнинг катта ёки кичиги бўлмайди. Шу жиҳатдан олганда, **Қашқадарё вилояти, Китоб туманидаги 5-Меҳрибонлик уйи мусиқа раҳбари Муҳиддин Абдуллаев**нинг Президентга йўллаган мактуби диққатга сазовор. Унда шундай дейилади: "Ота-она меҳрига муҳтож болаларнинг бошини силаш, кўнглини кўтариш, ҳаётда тўғри йўл танлаб олишига ёрдам бериш азалий шарқона фазилатдир. Бу борада Сизнинг олижаноб саховатингиз, хусусан, бизнинг Меҳрибонлик уйига "Suzuki" русумли автобус туҳфа қилганингиз, тарбияланувчиларимизнинг яшаш ва ўқиш масканларини таъмирлаш ишларига алоҳида эътибор билан кўрсатган ёрдамингиз болажонларимизни беҳад мамнун қилди. Меҳрга ташна шундай мурғак қалбларга бу ғамхўрлигингизга жавобан Меҳрибонлик уйи қошида "Маржона" номли болалар ансамбли ташкил этдик".

"Юксак маънавият — енгилмас куч" китоби нашр этилганидан сўнг Президентимиз **Республика болалар психоневрология шифохонаси бош шифокори И.А.Савельева**дан мактуб олди. — "Бу асар, ҳеч шубҳасиз, она заминимизни севиб-ардоқлайдиган, бой тарихимиз ва юксак маънавиятимизни қадрлайдиган бутун халқимизнинг ардоқли китоби бўлиб қолади, — деб ёзади ўз мактубида бош шифокор ва сўзида давом этаркан, алоҳида урғу бериб дейди: — Мазкур китоб учун бериладиган қалам ҳақини Республика болалар психоневрология шифохонасининг моддий-техник базасини ривожлантириш учун йўналтирганингиз ҳақидаги хабар муассасамиз жамоасини ғоят тўлқинлантириб юборди ва юксак эътиборингиз учун Сизга самимий миннатдорлигимизни изҳор этамиз".

Азиз юртдошлар, Президентга йўлланган бир мактубни сизнинг эътиборингизга ҳавола этишдан олдин яқин ўтмишни бир хотирамиздан ўтказайлик. Шундан кейин биз айтмоқчи бўлган ҳақиқатга имон келтирмаслик мумкин эмас. Ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари эди.

2

Назар

# Ҳуқуқий онгнинг юксаклиги

## тараққиётга етаклайди



**МАЪЛУМКИ, истиқлол йилларида барча жабҳаларда амалга оширилган кенг кўламдаги ислоҳотлар, жумласида жамиятнинг кичик бўғини бўлмиш оила мустаҳкамлигини таъминлашга ҳам улкан қадамлар ташланди.**

ФИКРИМИЗНИНГ исботи тариқасида Бош қомусимизнинг 63-моддасидаги **“Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда давлат ва жамият муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади”**, деган сўзларни келтириш ўринли. Албатта, оила мустаҳкам, унда ҳамжиҳатлик, тинчтотувлик ҳукмрон бўлсагина, жамият тараққий этади. Оила мустаҳкамлиги эса ўз навбатида, никоҳнинг қонунийлиги, ота-онанинг масъулияти, қолаверса, фарзандларнинг ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбияланишига боғлиқ. Бунинг учун ҳукуматимиз томонидан барча ҳуқуқий асослар яратилган.

Айтиш лозимки, оилалар мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий ислоҳотлар давом этмоқда. Масалан, 2013 йил 30 апрелда қабул қилинган **“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги Қонунга кўра, қизларни эрта турмушга бериш, йигитларни барвақт уйлантирганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланди. Мазкур янгиликка мувофиқ Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга $47^{3}$-модда, Жиноят кодексига эса $125^{1}$-модда киритилди. Чунки Оила кодексининг 15-моддасида никоҳ ёши эркаклар учун ўн саккиз, аёллар учун ўн етти ёш этиб белгиланганига қарамай, баъзи ота-оналар қизларини эрта турмушга берадилар, ўғилларини барвақт уйлантирадилар. Албатта, бу ҳолат бир қанча салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Юқоридаги қонун салбий оқибатларга чек қўяди. Зиммамизда эса қонунчиликдаги бундай янгилик ҳамда ўзгаришларни, қонуний никоҳнинг афзаллигини ҳамюртларимизга тушунтириш, эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш, шу орқали уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш масъулияти бор. Бинобарин, биз туман хотин-қизлар қўмитаси, прокуратура, ички ишлар бўлими қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда кенг кўламдаги ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ташкил этиб боряпмиз. ФҲДЁ бўлимида ҳар ойда икки маротаба ўтказиладиган “Оила дорилфунуни”, касб-ҳунар коллежларида ташкил этиладиган “Ёш оила қурувчилар мактаби” ўқув-машғулотларида ҳам бу борада батафсил тушунтириш бериб борилмоқда. Зеро, ҳуқуқий онгнинг юксаклиги жамиятни тараққиёт сари етаклайди.

**Нодира ЖАЛОЛОВА,**
**Чуст тумани ФҲДЁ бўлими мудири**

Савол-жавоб • Савол-жавоб • Савол-жавоб

# “Қизимнинг исмини ўзгартирмоқчиман”

**— ҚИЗИМНИНГ исми Машрабхон. Ёши ўн иккида. Исмини Мадинахонга ўзгартирмоқчимиз. Бунинг учун қандай ҳужжатлар талаб қилинади?**

**Замирахон ЗИЁДОВА,**
**Бешариқ тумани**

— ИСМНИ ўзгартириш учун яшаш жойингиздаги ФҲДЁ бўлимига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишингиз керак:

— ота-она паспортидан нусха;
— қизингизнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси;
— туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзуви нусхаси.

Сўнгра тегишли тартибда ФҲДЁ бўлимида ота-она номидан ариза ёзилиб, ушбу аризада қизингизнинг розилиги ҳам кўрсатилади.

**— Мен никоҳга киришда турмуш ўртоғимнинг фамилиясини танлаган эдим, аммо энди ўз фамилиямга ўтмоқчиман. Буни қандай амалга ошириш мумкин?**

**Нилуфар САИДБОБОЕВА,**
**Бешариқ тумани**

— Агар сиз никоҳга киришда турмуш ўртоғингизнинг фамилиясига ўтишни танлаб, ҳали паспортингизни алмаштирмаган бўлсангиз, у ҳолда, никоҳгача бўлган фамилиянгизга қайтиш учун яшаш жойингиздаги ФҲДЁ бўлимига ариза беришингиз мумкин. Никоҳ далолатнома ёзувига ўзгартиш киритилади. Бунда сиз ФҲДЁ бўлимига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этасиз:

— Паспорт нусхаси;
— Никоҳ гувоҳномаси ва никоҳ далолатнома ёзуви нусхаси.

**— Ота-онамнинг фамилияси Заидов, аммо, менинг туғилганлик гувоҳномамда улар Зоидов кўрсатилганлиги сабабли мен отамнинг номидаги уйга прописка қилдира олмаяпман. Буни қандай тўғрилаш мумкин?**

**Одилбек ЗОИДОВ,**
**Бешариқ тумани**

— Агар сиз вояга етган бўлсангиз, туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувидаги ота-онангиз фамилиясини тузатиш учун ота-онангизнинг никоҳ гувоҳномаси, паспорт нусхалари, отангизнинг туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзуви нусхаси, паспортингиз нусхаси ва туғилганлик ҳақидаги гувоҳномангиз билан ФҲДЁ бўлимига мурожаат этасиз. Агар отангизнинг барча ҳужжатларида Заидов кўрсатилган бўлса, у ҳолда ота-онанинг фамилияси тузатиш киритиш йўли билан тўғриланади. Вояга етмаганларнинг далолатномаларига тузатиш киритиш уларнинг ота-оналари аризаси билан амалга оширилади.

**Саволларга Бешариқ тумани ФҲДЁ бўлими мудири Хосиятхон МАМАЖОНОВА жавоб берди.**

# Ҳуқуқий экспертиза шартми?

**— НОРМАТИВ-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш шартми?**

**Баҳодир АКРОМОВ, Чиноз тумани**

— ҲА, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шарт.

Ҳуқуқий экспертиза давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонун ҳужжатларига, шунингдек, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги текширилади.

Ҳуқуқий экспертиза норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаган органнинг ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қиладиган органнинг юридик хизмати, шунингдек, Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилиши мумкин. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив хусусиятга эга бўлган қарорлари лойиҳаларининг юридик экспертизаси вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Киритилган лойиҳанинг сифатига баҳо бериш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органнинг қарорига биноан норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси бошқа хил (иқтисодий, молиявий, илмий-техникавий, экология ва ўзга) экспертизадан ҳам ўтказилиши мумкин.

Эксперт сифатида тегишли лойиҳани тайёрлашда илгари бевосита иштирок этмаган ташкилотлар ва шахслар жалб этилади. Экспертиза ўтказиш учун бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан олимлар, мутахассислар таклиф этилиши мумкин. Экспертлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳасига баҳо беришда мустақилдир ҳамда экспертиза ўтказишни топширган органнинг нуқтаи назари билан боғлиқ эмаслар. Бу эса ҳуқуқий экспертизанинг ҳар жиҳатдан мукаммал ўтказилишига асос бўлади.

**Саволга Тошкент вилояти адлия бошқармаси масъул ходими Фахриддин ҚЎЛДОШЕВ жавоб берди.**

# Уй-жой бинолари

## қай тартибда сотилади?

**— СОТУВЧИ ва харидор ўртасидаги шартнома суммаси тўланиши кечиктирилганда, уйни харидор номига расмийлаштириш мумкинми?**

**Феруза АШУРОВА, Чуст тумани**

— АГАР УЙ, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми тарафлар ўртасидаги тўлов мажбуриятларини кейинчалик, яъни битимда кўрсатилган маълум муддатда амалга ошириш шарти билан бошқа шахсга ўтказилганда, нотариус томонидан тарафлар ўртасидаги тўлов ва бошқа мажбуриятлар амалга оширилгунга қадар битимда кўрсатилган муддатга уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказишга тақиқ қўйилади.

**— Уй-жой биноларини сотишнинг ўзига хос хусусиятлари қандай?**

**Алишер НИЁЗОВ, Чуст тумани**

— Фуқаролар яшаб турган уй-жойни сотиш бўйича тузиладиган шартнома ўзига хос хусусиятлари билан бошқа кўчмас мулкларни сотиш бўйича тузиладиган шартномалардан тубдан фарқ қилади. Уй-жой олди-сотди шартномасида ҳам бошқа кўчмас мулкларни сотиш шартномаси каби шартноманинг нарсаси, баҳоси, унинг сифати алоҳида эътиборга олинади. Лекин сотиладиган уй-жойда яшаб турувчи ва ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг рўйхати ушбу шартноманинг асосий шартлари сифатида тан олинади.

Сотиб олувчи уй-жой сотиб олганидан кейин қонунга мувофиқ уй-жой биносидан фойдаланиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қоладиган шахслар яшаб турган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини сотиш шартномасининг муҳим шарти — бу шахсларнинг рўйхатини сотилаётган уй-жой биносидан фойдаланиш ҳуқуқлари кўрсатилган ҳолда тузишдан иборатдир.

Нотариал тартибда тасдиқланмаган ва давлат рўйхатидан ўтказилмаган уй-жойни сотиш шартномаси ҳақиқий ҳисобланмайди. Шартнома рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб кучга киради.

**Саволларга Чуст тумани 2-сон давлат нотариал идораси нотариуси Розия КЕНЖАЕВА жавоб берди.**

# Семинар мавзуси

## қизғин мунозарага чорлади

**ТОШКЕНТ ШАҲАР адлия бошқармасида “Аҳолининг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда давлат органларининг роли” мавзуида семинар ўтказилди.**

УНДА демократик ҳуқуқий давлат қуришда, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда, энг аввало, мамлакатимиз аҳолисини, айниқса, ёшларнинг сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасидаги тарғибот-ташвиқот ишларини ягона тизим асосида ташкиллаштириш ва мувофиқлаштириб боришнинг аҳамияти алоҳида таъкидланди. Шунингдек, тадбирда оила мустаҳкамлиги, фаровонлиги, баркамол авлод таълим-тарбияси, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий саводхонлиги, хусусан, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни турли оқимлардан ҳимоя қилиш, оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини кучайтириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини яратиш масалалари хусусида ҳам сўз борди.

Тадбирда иштирокчилар томонидан таклифлар киритилиб, келгусидаги ҳамкорлик режалари тузиларкан, ушбу семинар қизғин мунозараларга бой тарзда ўтганлиги қайд этилди.

**Санжар ИБОДУЛЛАЕВ,**
**Тошкент шаҳар адлия бошқармаси масъул ходими**

Тошкент вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 20 сентябрдаги 43-А-ум-сонли буйруғига асосан "CENTURION" адвокатлик бюросининг адвокати Турсунбаев Бахтиёр Юлчиевичга вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 26 июнда TS 000292 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши 6 ой муддатга 2013 йил 27 августдан 2014 йил 27 февралга қадар бўлган давргача тўхтатилди.

Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 19 сентябрдаги 197-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "Мустақил ҳимоячилар" адвокатлик фирмаси адвокати Хайдарова Нафиса Бойназаровнага вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 8 июнда берилган SA №000085 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

# ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

## бўш (вакант) лавозимларга қуйидаги мутахассисликлар бўйича ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

| Т/р | Касблар номи | Талаб қилинадиган малака | Талаб қилинадиган маълумот | Алоҳида талаблар |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Котиб-иш юритувчи | | Ўрта-махсус (юридик коллеж) | Компьютер саводхонлиги |
| 2. | Услубчи | | Олий (юридик, техник) | Компьютер саводхонлиги |
| 3. | Катта инспектор | | Олий (юридик, иқтисодчи) | Компьютер саводхонлиги |
| 4. | Ўқув ишлари бўйича инспектор | | Олий (юридик) | Компьютер саводхонлиги |
| 5. | Диспетчер | | Ўрта-махсус (юридик коллеж) | Компьютер саводхонлиги |
| 6. | Статист | | Ўрта-махсус (техник) | Компьютер саводхонлиги |
| 7. | Инспектор | | Олий (иқтисодчи, маркетинг) | Компьютер саводхонлиги |
| 8. | Тармоқ ва маълумотлар банк маъмури | | Олий (махсус) | Компьютер саводхонлиги (аъло даражада) |
| 9. | Тизимли дастурловчи | | Олий (махсус) | Компьютер саводхонлиги (аъло даражада) |
| 10. | Ахборот-ресурс маркази директори | 5 йил стаж | Олий (махсус) | Компьютер саводхонлиги (КАРМАТ, ИРБИС) олий даражада, инглиз тили (эркин) |
| 11. | Ахборот-ресурс маркази директори ўринбосари | 3 йил стаж | Олий(махсус) | Компьютер саводхонлиги (КАРМАТ, ИРБИС) олий даражада, инглиз тили (эркин) |
| 12. | Ахборот-ресурс маркази бўлим мудири | 2 йил стаж | Олий (махсус) | Компьютер саводхонлиги (КАРМАТ, ИРБИС) олий даражада, инглиз тили (эркин) |
| 13. | Илмий тадқиқот ишлари муҳандиси | — | Олий (юридик) | Компьютер саводхонлиги |
| 14. | Мусаҳҳиҳ | 1 йил стаж | Олий (махсус) | Компьютер саводхонлиги (аъло даражада) |
| 15. | 2-тоифали иқтисодчи | — | Олий (махсус) | Компьютер саводхонлиги |
| 16. | Катта ғазначи | 1 йил стаж | Олий (техник) | Компьютер саводхонлиги |
| 17. | Омбор мудири | — | Олий (техник) | Компьютер саводхонлиги |
| 18. | Фуқаро мудофааси ва фавқулодда вазиятлар бўйича муҳандис | — | Олий (техник) | Компьютер саводхонлиги |
| 19. | Бино коменданти | 5 йил стаж | Олий (техник) | Компьютер саводхонлиги |
| 20. | Кабинет мудири | — | Олий (юридик, инглиз лингвистикаси, файласуф, информатик) | Компьютер саводхонлиги, инглиз тили (эркин) |
| 21. | Ҳайдовчи | 5 йил стаж | Ўрта-махсус | — |
| 22. | ТТЖ фарроши | — | Ўрта | — |
| 23. | Слесарь-сантехник | — | Ўрта-махсус | — |
| 24. | Электромонтёр | — | Ўрта-махсус | — |

*Номзодлар тақдим этиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати:*
*1.Паспорт нусхаси (Тошкент шаҳрида ёки Тошкент вилоятида доимий рўйхатда турганлик талаб этилади);*
*2. Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;*
*3.Маълумотни тасдиқловчи диплом (аттестат) нусхалари.*

**Ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй, 19-хона. ТДЮУ, ходимлар бўлими. Телефонлар: (8-371) 233-66-36, 236-09-36, ички телефон: 263.**

Хўжалик суди амалиётидан

# Ундирувни мол-мулкка қаратиш

## фақат суд тартибида амалга оширилади

**ЮРИДИК шахсларнинг мол-мулки ҳисобидан солиқ қарзини ундириш давлат солиқ хизмати органининг ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги аризаси асосида фақат суд тартибида амалга оширилади.**

**ИШНИНГ МАЗМУНИ**

Шаҳар давлат солиқ инспекцияси томонидан акциядорлик жамиятининг ўз солиқ мажбуриятларини бажариши ўрганиб чиқилганда, унинг бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан 181,3 миллион сўм қарзи мавжудлиги аниқланган.

Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома акциядорлик жамияти томонидан бажарилмаган. Шаҳар давлат солиқ инспекцияси томонидан солиқ қарзини судгача мажбурий ундириш бўйича кўрилган чоралар натижа бермаган.

Шундан кейин шаҳар давлат солиқ инспекцияси хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, акциядорлик жамиятининг мол-мулки ҳисобидан бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан бўлган 181,3 миллион сўм солиқ қарзини ундиришни сўраган.

**АРИЗАЧИНИНГ ВАЖЛАРИ**

Суд мажлисида шаҳар давлат солиқ инспекцияси вакили акциядорлик жамиятининг бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаб бориши текширилганда унинг бюджет олдида солиқ қарзи мавжудлиги аниқланганлигини, солиқ қарзини ундириш чораларини кўриш мақсадида жавобгарга талабнома билан мурожаат қилинганлигини, лекин талабнома ижро этилмаганлигини, солиқ тўловчи ариза судга тақдим этилган кунга қадар бюджет билан ўзаро ҳисоб-китобни амалга оширмаганлигини билдириб, солиқ қарзини акциядорлик жамиятининг мол-мулки ҳисобидан ундиришни сўраган.

**ЖАВОБГАРНИНГ ВАЖЛАРИ**

Акциядорлик жамияти вакили суд мажлисида ўз тушунтиришларини баён қилиб, акциядорлик жамиятининг ҳисоб рақамига пул маблағлари келиб тушиши билан қарздорлик бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилишини билдирган.

**СУДНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан шаҳар давлат солиқ инспекциясининг аризаси қаноатлантирилган ҳамда акциядорлик жамиятининг мол-мулки ҳисобидан бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан бўлган 181,3 миллион сўм солиқ қарзи ундирилган.

**СУДНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИГА ШАРҲ**

Солиқ кодексининг 23-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Солиқ кодексида назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар амал қилади.

Солиқларга қуйидагилар киради: юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи; жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи; қўшилган қиймат солиғи; акциз солиғи; ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар; сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ; ер солиғи; ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи; жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ.

Бошқа мажбурий тўловларга эса қуйидагилар киради:

1) ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар: ягона ижтимоий тўлов; фуқароларнинг Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадаллари; Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар;

2) Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар: Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар; Республика йўл жамғармасига йиғимлар;

3) давлат божи;

4) божхона тўловлари;

5) айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилаш, жорий этиш, ҳисоблаб чиқариш, ўзгартириш, бекор қилиш, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлаш ҳамда солиқ мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ муносабатлар Солиқ кодекси билан тартибга солинади.

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Солиқ кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат бўлиб, солиқ солишнинг мажбурийлиги, аниқлиги, адолатлилиги, солиқ тизимининг ягоналиги, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ошкоралиги ва солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси принципларига асосланади.

Давлат солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ёрдамида мамлакатнинг мудофаа қобилиятини ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлайди, иқтисод, маориф, соғлиқни сақлаш ва фан соҳаларини янада ривожлантиради, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича мақсадли, йўналтирилган комплекс ижтимоий дастурларни, жамият манфаати йўлидаги зарур бўлган бошқа фаолиятларни амалга оширади.

Солиқ мажбуриятлари юзага келган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ солинади. Юридик шахслар солиқ тўловчи сифатида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни Солиқ кодексида белгиланган тартибда ҳамда муддатларда тўлаши шарт бўлса-да, акциядорлик жамияти солиқ тўловчи сифатида солиқ солинадиган объектларни аниқлаш ва уларнинг аниқ ҳисобини юритиш чораларини кўрмаган, солиқ мажбуриятларини ўз вақтида лозим даражада бажармаган. Бунинг оқибатида Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига 181,3 миллион сўм солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар тушмаган.

Ушбу солиқ қарзи акциядорлик жамиятининг банк ҳисобварағида пул маблағлари мавжуд бўлмаганлиги сабабли Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига ўз вақтида солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар амалга оширилмаганлиги учун вужудга келган.

Давлат солиқ хизмати органи хўжалик судига мурожаат қилишдан олдин Солиқ кодексида белгиланган тартибда ва муддатларда солиқ тўловчига солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномани топширган ҳамда солиқ қарзини мажбурий ундириш чораларини кўрган.

Булар — солиқ қарзини солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварағидан сўзсиз ундириш; ундирувни солиқ тўловчига унинг дебиторлари ўтказиши лозим бўлган суммаларга қаратиш; ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш чораларидир. Ушбу масалалар тўғрисида Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги **“Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”**ги 210-сонли қарорининг 13, 14, 17 ва 31-бандларида тушунтириш берилган.

Юридик шахсларнинг мол-мулки ҳисобидан солиқ қарзини ундириш Солиқ кодексининг 65-моддаси, биринчи қисмига мувофиқ давлат солиқ хизмати органининг ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги аризаси асосида фақат суд тартибида амалга оширилади. Чунки Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 53-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида бўлиб, мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

Демак, солиқ тўловчи, бошқача айтганда, қарздор томонидан солиқ мажбурияти тўлиқ бажарилган ҳолдагина ундирув солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратилмайди.

Давлат солиқ хизмати органи томонидан ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши шарт:

солиқ қарзи борлиги тўғрисида солиқ тўловчининг мавжуд шахсий карточкаларидан кўчирма;

солиқ тўловчининг банк ҳисобварақларида пул маблағлари йўқлиги тўғрисидаги банк маълумотномаси;

агар солиқ текшируви ўтказилган бўлса, солиқ текшируви натижалари бўйича солиқ қарзи тўғрисидаги маълумотнома;

солиқ тўловчининг охирги ҳисобот даврига доир бухгалтерия балансининг кўчирма нусхаси (молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддати ҳали келмаган, янги ташкил этилган юридик шахслар бундан мустасно).

Биринчи инстанция суди тарафлар вакилларининг тушунтиришларини суд мажлисида тинглаб, иш ҳужжатларини атрофлича ўрганиб чиқиб, шаҳар давлат солиқ инспекциясининг аризасидаги талабни асосли, деб ҳисоблаб, уни қаноатлантирган.

Ундирувни суднинг ҳал қилув қарори асосида солиқ тўловчининг, яъни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш **“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”**ги Қонунда белгиланган тартибда махсус ваколатли орган, яъни Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти органларининг суд ижрочилари томонидан амалга оширилади. Эътиборли томони шундаки, солиқ қарзини ундириш учун суд ижрочилари томонидан инкассо топшириқномалари қўйилаётганда давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ қарзининг шунга ўхшаш суммасига қўйилган инкассо топшириқномаларининг ижроси бекор қилинади ва ижро этилмайди.

Шундай экан, юридик шахсларнинг мол-мулки ҳисобидан солиқ қарзини ундириш давлат солиқ хизмати органининг ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги аризаси асосида фақат суд тартибида амалга оширилади.

## Семинар-тренинг

# Тинчлик-омонлик – энг олий неъмат

## уни асраб-авайлаш инсонийлик бурчимиз

**БУГУН республикамизнинг қайси гўшасига назар солманг инсонпарварлик ғояларига асосланган улкан бунёдкорлик ва яратувчанликка гувоҳ бўласиз. Ҳамюртларимизнинг туриш-турмушида кўтаринки руҳ, шукроналик туйғулари, ёшларимиз юз-кўзларида эртанги кунга умид ва ишонч балқийди. Бу ютуқларимиз замирида тинчлик аталмиш буюк неъмат мужассам эканлигини барчамиз яхши биламиз. Айниқса, ҳозир дунёда кечаётган мураккаб тарихий жараёнда, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий бўҳронлар авж олиб, ер юзининг турли минтақаларида зиддиятлар кескинлашиб бораётган бир замонда тинчликни асрашнинг ўзи бўлмайди.**

ШУ НУҚТАИ назардан бугунги кунда кенг жамоатчиликни тинчлик-осойишталикни асраш учун огоҳлик ва хушёрликка даъват этиш ҳамда бу борада кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш барча давлат органлари ва жамоат ташкилотлари қатори адлия тизими фаолиятининг ҳам муҳим вазифаларидан бирига айланган.

Бу борада Президентимизнинг "Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак", деб номланган рисоласи дастуриламал бўлиб хизмат қилмокда. Жойларда мазкур китобнинг мазмун-моҳиятига бағишланган тадбирлар ташкил этилмокда.

**Тошкент вилояти адлия бошқармаси масъул ходими Тожиддин Утепбергенов**нинг маълум қилишича, ана шундай тадбирлардан бири Ғазалкент шаҳарчасидаги маънавият ва маърифат марказида ўтказилди.

"Тинчлик ва омонлик энг олий неъмат" мавзуидаги мазкур йиғилишда кўпни кўрган кекса отахону онахонлар уруш йилларидаги қийинчиликлар, очарчилик, навқирон йигит-қизларнинг бевақт хазон бўлган умри, жигарбандларидан айрилган ота-оналарнинг нола-ю фиғонлари ҳақида ҳикоя қилишар экан, бугунги доруломон кунларга шукроналар айтишди.

**Фарғона вилояти адлия бошқармаси масъул ходими Шоҳистахон Каримова**нинг хабар беришича, вилоят адлия бошқармаси Фарғона ҳуқуқшунослик коллежида ҳам шу мавзу юзасидан семинар-тренинг ўтказган.

Коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этган мазкур тадбирда давлатимиз раҳбарининг Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ОАВ вакилларига берган интервьюсида бугунги ва эртанги тараққиётимиз учун ғоят муҳим ва долзарб масалалар ҳақида фикр юритилганлиги, уларнинг ечими бўйича амалий хулоса ва таклифлар илгари сурилгани айтиб ўтилди.

**Фарида ҚОРАҚУЛОВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

## Реклама ўрнида


*Адлия вазирлиги тизимидаги барча фахрийларимизни, республикамиз нуронийлари ва муҳтарам устозларни кутлуғ байрам — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан чин дилдан муборакбод этамиз. Барчангизга тинчлик-хотиржамлик, узоқ умр ва сиҳат-саломатлик, фарзандларимизнинг буюк келажагини кўриш бахти насиб этсин.*

**АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ФАХРИЙЛАР КЕНГАШИ**



## Ҳурматли тадбиркорлар!

# "Асака" банк (ОАЖ)

**"Export Import Bank of Korea" (Корея)** ва **"Commerzbank AG" (Германия)** кредит линиялари иштирокида тадбиркорлик субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш бўйича аризалар қабул қилинаётганлигини маълум қилади.

Кредитларни расмийлаштиришнинг асосий шартлари:





| | |
|---|---|
| **Лойиҳалар** | Саноат ёки қишлоқ хўжалиги соҳасида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, амалдаги ишлаб чиқаришларни кенгайтириш ва ёки реконструкция қилиш бўйича лойиҳа. |
| **Қарздор** | ***"Export Import Bank of Korea" (Корея) кредит линияси бўйича:*** "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий ҳудудида Корея капитали иштирокида фаолият юритаётган компаниялар; "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий ҳудудида Корея капитали иштирокида фаолият юритаётган компанияларга товарлар етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган ёки Корея капитали иштирокида фаолият юритаётган компаниялардан товарлар олаётган ва хизматларидан фойдаланаётган Корея капитали иштирок этмаган компаниялар. ***"Commerzbank AG" (Германия) кредит линияси бўйича:*** Ўзбекистон резиденти — хусусий кичик корхона, қўшма корхоналар, акциядорлик жамиятлари. |
| **Кредитлардан мақсадли фойдаланиш** | ***"Export Import Bank of Korea" (Корея) кредит линияси бўйича:*** Корея капитали иштирокидаги компаниялар учун: — ускуналар харид қилиш ва ўрнатиш; — стратегик инвестициялар. Корея капитали иштирок этмаган компаниялар учун: — ускуналар сотиш ва хизматлар кўрсатиш; — ускуналар харид қилиш ва хизматлардан фойдаланиш. ***"Commerzbank AG" (Германия) кредит линияси бўйича:*** Импорт ускуналари ва технологиялари харидини молиялаштириш, шунингдек, ишчи капиталини шакллантириш харажатларини қоплаш. |

**Маълумот учун телефонлар: 8 (371) 120-39-04, 120-39-56, 120-39-58.**

*"Асака" банк — тадбиркорлик тараққиётининг мустаҳкам таянчи!*

Хизматлар лицензияланган.


## Эълонлар

### ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

**Адлия вазирлиги Тошкент юридик коллежининг Хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари бўш лавозимига такроран**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Танловда илмий даража (илмий унвон)ли ёки педагогик (касбий-таълим) ёки таълим муассасасининг йўналиши бўйича магистр, дипломли мутахассислар иштирок этиши мумкин.

Номзодларнинг аризалари Адлия вазирлигига тақдим этилади.

**Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:**

1. Сўровнома (кадрларни ҳисобга олиш варақаси) ва таржимаи ҳол;
2. Маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси;
3. Илмий даража ва илмий унвонлар ҳақидаги ҳужжатнинг нусхалари (мавжуд бўлса);
4. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
5. 4x6 ўлчамдаги 4 дона фотосурат;
6. Директор ўринбосари лавозимига номзоднинг бўлажак фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси (концепцияси).

**Ҳужжатлар танлов матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.**
**Танлов комиссияси ҳужжатларни ўрганиб, номзодларни танловда қатнашишга тавсия этади.**
**Манзилимиз: 100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй, Адлия вазирлиги биноси. Тел: 233-50-17.**

### Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Қорақалпоғистон Республикаси**
Амударё туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қўнғирот туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қўнғирот туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тўрткўл туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Наманган вилояти**
Чуст туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тўрақўрғон туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Тошкент шаҳри**
Шайхонтоҳур туман 5-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

### Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Қорақалпоғистон Республикаси**
Нукус шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тўрткўл туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Чимбой туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Бухоро вилояти**
Бухоро шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қоракўл туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Когон шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Пешку туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Вобкент туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Жондор туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Қашқадарё вилояти**
Қарши шаҳар 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қарши шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Ғузор туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Наманган вилояти**
Чортоқ туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Самарқанд вилояти**
Самарқанд шаҳар 17-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Сурхондарё вилояти**
Қизириқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Фарғона вилояти**
Фарғона шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Риштон туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қува туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Бешариқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Хоразм вилояти**
Ҳазорасп туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Тошкент вилояти**
Олмалиқ шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Олмалиқ шаҳар 5-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Оҳангарон шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Ўртачирчиқ туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Янгийўл туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Ангрен шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Паркент туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Тошкент шаҳри**
Учтепа туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Юнусобод туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Сирғали туман 8-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

*1. Комиссия номига ариза;*
*2. Паспорт нусхаси;*
*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;*
*5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);*
*6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

**(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охирги санаси 2013 йил 1 ноябрь)**
**Манзил: Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.**
**Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.**

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни 16-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 60-сон қарори билан тасдиқланган "Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисида"ги Низомнинг 27-банди ҳамда Сурхондарё вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 13 сентябрдаги 89-ум-сонли буйруғига асосан "Сурхон ҳақиқат маскани" 1-сон адвокатлар ҳайъати адвокати Паянова Анархол Тошматовнанинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи SU №000070-сонли лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Адвокатлар палатаси Қашқадарё вилояти худудий бошқармаси ҳузуридаги Малака комиссиясининг 2013 йил 6 сентябрдаги йиғилиш баённомаси ва Қашқадарё вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 11 сентябрдаги 132-ум-сонли буйруғига асосан Қарши шаҳридаги "Мадад маслаҳатчи" адвокатлар ҳайъати адвокати Кенгбоев Абдурахмат Хушвақтовичга адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 19 июнда берилган KS 000016 рақамли адвокатлик лицензиясининг амал қилиши 2013 йил 6 сентябрдан ҳамда Қарши шаҳридаги "Соҳибқирон издошлари ҳимояси" адвокатлик фирмаси адвокати Хуррамов Нурали Эшматовичга адлия бошқармаси томонидан 2011 йил 5 августда берилган KS 000151 рақамли адвокатлик лицензиясининг амал қилиши тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Фарғона вилояти худудий бошқармаси ҳузуридаги Малака комиссиясининг 2013 йил 17 сентябрдаги 09-сонли қарорига ҳамда Фарғона вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 17 сентябрдаги 267-ум-сонли буйруғига асосан Фарғона шаҳридаги "Kuva advokat servis" адвокатлик бюроси адвокати вазифасида ишлаган Сиддиқов Бегали Мамасадикович (лицензия FE №000130, 05.06.2009 йил)-нинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди ҳамда вилоят адлия бошқармасининг 2013 йил 17 сентябрдаги 268-ум-сонли буйруғига асосан Олтиариқ туманидаги "Самарали ҳимоя сари" адвокатлик бюроси адвокати Матмусаева Замира Рустамбековна (лицензия FE №000049, 03.06.2009 йил)нинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми 2 ой муддатга тўхтатилди.

Қашқадарё вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 17 сентябрдаги 135-ум-сонли буйруғига асосан Қарши шаҳридаги "Альянс" адвокатлик фирмаси адвокати Рахмонов Бахтиёр Якубжоновичга адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 26 июнда берилган KS 000085 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган даврга тўхтатилди.

2013 йил 25 февралда "Шохклуб" Чирчиқ шаҳар шахмат федерацияси раҳбари Р.Эсанбоевнинг Тошкент вилояти адлия бошқармасига тақдим этган аризасига асосан мазкур ташкилот фаолияти тугатилмокда.

Кредиторлар мазкур эълон чиққан кундан бошлаб икки ойлик муддатда ўз талаб ва эътирозлари билан қуйидаги манзил бўйича вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилишлари мумкин.

Тошкент шаҳри, Ш.Руставели кўчаси, 93-уй. Телефон: 253-62-85.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоаси юридик фанлари номзоди **Нормейли НОРПЎЛАТОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Сирдарё вилояти адлия бошқармаси жамоаси Сирдарё туманидаги 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси ёрдамчиси Набижон Бадаловга ўғли **Эркин БАДАЛОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**Мамлакатимиз таълим-тарбия муассасалари учун кўплаб ўрта махсус маълумотли кадрлар тарбиялаб етиштиришда**

## ХИВА ПЕДАГОГИКА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ



**жамоасининг алоҳида ўрни бор. Таълим-тарбия жараёнларини тобора такомиллаштираётган, уни замон талаблари даражасига дадил кўтараётган мазкур таълим маскани вакиллари кўп сонли устоз-мураббийларни, ушбу ўқув даргоҳида таҳсил олиб, ҳозирда ёш авлодни истиқлолимиз тамойиллари руҳида тарбиялашга муносиб улуш қўшаётган собиқ талабаларни юртимизда кенг нишонланаётган анъанавий байрам — Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан самимий табриклаб, ишларига ривож, омад, турмушига тўкинлик ва бахт-саодат тилайди. Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз устозлар!**

## "НАМАНГАН ВОДИЙ ИПАК ГИЛАМИ"

### МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*Барча устоз ва мураббийларни 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан самимий муборакбод этади! Таълим-тарбия соҳаси жонкуярларининг шарафли ва машаққатли меҳнатида улкан зафарлар тилайди. Номингиз улуғ, қалб нурингиз чароғон бўлсин азиз устоз ва мураббийлар!*





**ИНСОН ва ҚОНУН**

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

www.minjust.uz

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Қўчқор Тоғаев
Турсунов Тўлқин Мирзаевич
Очилов Алижон Мухлисович
Султонов Алимқул Тошбекович
Мамадалиев Зайниддин Очилович

Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Тўлқин РАУПОВ

Нашр индекси: 137

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.

**Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.

Буюртма j-8164. **Тиражи — 16853.**

УзА якуни — 21.20 Топширилди — 21.20

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 233-95-31, Факс: 233-84-50

Баҳоси келишилган нархда

1 2 3 4 5